

«Тасдиқлайман»
«Ўздонмахсулот» АК

Бошқарув раиси ўринбосари



Э. Алимов

2018 йил

Молия ва нархлар Бошқармасининг Низоми

I. Умумий қондалар

1.1. Молия ва нархлар Бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 августдаги 376-сонли ва «Ўздонмахсулот» акциядорлик компаниясининг 2004 йил 25 августдаги 27-к-сонли буйруғига асосан ташкил этилган.

1.2. Молия ва нархлар бошқармаси ўз фаолияти доирасида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, ҳукумат фармойишлари ҳамда «Ўздонмахсулот» АКнинг буйруқлари, қарорлари, кўрсатмалари ва меъёрий ҳужжатларига асосланиб иш юритади.

II. Асосий вазифалари ва функциялари.

2.1. Тармоқнинг истикболли ривожланишини эътиборга олган ҳолда молиявий кўрсаткичларини башорат қилиш.

2.2. Тезкор ва статистик маълумотларга асосланган ҳолда тизимдан ташқари дебитор-кредитор қарзларнинг миқдорини аниқлаш, уларни камайтириш бўйича корхоналар фаолиятини мувофиқлаштириш, қарздорликларнинг ўсишига йўл қўйган корхоналарни бошқарув йиғилишлар муҳокамасига киритиб бориш.

2.3. Корхоналар томонидан бюджетга ва бюджет ташқари жамғармаларга тўловларни ўз вақтида амалга ошириш бўйича олиб борилаётган ишларни мувофиқлаштириш, боқиманда қарзларнинг кескин ўсиб кетмаслиги юзасидан корхоналар билан биргаликда тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш, боқиманда қарзларни узлуксиз равишда ошириб бораётган корхоналарни бошқарув йиғилишлари муҳокамасига киритиб бориш.

2.4. Давлат ресурсига қабул қилинган бошоқли дон экинлари учун «Агробанк» АТБ томонидан тайёрланган якуний ҳисоб-китоблар учун талабномаларни Молия вазирлиги ҳузуридаги «Жамғарма»га ҳамкорликда бериб бориш. Дон маҳсулотлари корхоналари томонидан берилган бўнак (уруғлик дон) даражасида ғалла топшира олмаган хўжаликларда юзага келган қопланмаган бўнак миқдорларини ҳар бир корхона бўйича йиғиб, Бошқарувга тақдим этиб бориш.

2.5. Давлат захирасидаги истеъмол бугдой сақланаётган корхоналарга давлат захирасидаги бугдойни сақлаш билан боғлиқ харажатларнинг чораклик, ярим йиллик ва йиллик сметаларини ишлаб чиқиш ва уларни молиялаштириш учун Молия вазирлигига тақдим этиш масаласида амалий ёрдам кўрсатиш, ҳар ойда ушбу мақсадлар учун Молия вазирлиги томонидан ажратилаётган маблағларни тасдиқланган сметаларга асосан корхоналарга тақсимлаш.

2.6. Молия вазирлиги билан ҳамкорликда дон маҳсулотларининг улгуржи ва чакана баҳоларини белгилаш юзасидан таклифлар бериш ва нарх лойиҳаларини кўриб чиқиш.

2.7. Зарурият туғилганда Молия ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари билан ҳамкорликда бошоқли дон экинларининг харид нархларини қайта кўриб чиқишда иштирок этиш, уларга ўзгартиришлар қилиш юзасидан таклифлар киритиш, тизим корхоналарини тасдиқланган прејскурант нархлари билан таъминлаш.

2.8. Тармоқдаги корхоналар ва турли хайрия ёрдамига муҳтож ташкилотлар, жамғармалардан тушган сўровномаларни ўрганиб чиқиб Компания раҳбариятига тегишли таклифлар киритиш ва бошқарув аъзолари томонидан қабул қилинган қарорларнинг баённомарини олиб бориш.

2.9. Бошқарма ваколатига кирадиган масалалар юзасидан тармоқ бўйича ишлаб чиқиладиган қўлланма ва услубий ҳужжатлар бўйича таклифлар тайёрлаш ва раҳбариятга киритиш.

2.10. Бошқармага тааллуқли бўлган ҳукумат қарорлари, фармойишлари ҳамда Компания томонидан қабул қилинган қарорлар ва меъёрий ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш.

2.11. Тармоқ бўйича инвестицион лойиҳалар ва қурилишларнинг манзилли дастурларини тайёрлашда қатнашиш ва ўз таклифларини бериш.

2.12. Тизимдаги ва шартнома асосида ишлайдиган корхоналар томонидан топширилган статистик ҳисоботларга кўра молиявий-иқтисодий аҳвол бўйича таҳлилий маълумотлар ва жадваллар тайёрлаб компания бошқаруви мажлисларига киритиш, ушбу масалалар бўйича Бошқарув қарорлари, фармойишлари, буйруқларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш.

2.13. Компания ижро аппарати фаолият юритиши учун сарф-харажатлар сметасини тузишда қатнашиш ва уни молиялаштириш масаласини ҳал этиб бориш.

III. Ҳуқуқлари, жавобгарлиги, ўзаро муносабатлари.

3.1. Молия ва нархлар бошқармаси қуйидаги ҳуқуқларга эга.

3.1.1. Тизим таркибидаги корхоналарга хизмат сафарларига бориб уларнинг молиявий ҳолатларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва умуман бошқармага алоқадор масалалар юзасидан аниқлик киритиш мақсадида ҳужжатлар талаб қилиш.

3.1.2. Компания таркибидаги корхоналарнинг молиявий ҳолатини соғломлаштириш бўйича Бошқарувга таклифлар киритиш.

3.1.3. Компания Бошқаруви билан келишилган ҳолда, ўз ваколати доирасида жойларда семинар-мажлислар ўтказишни ташкил этиш, зарурият туғилганда компания аппаратининг бошқа бошқармаларини ҳам жалб этиш.

3.1.4. Мазкур низом билан бириктирилган вазифа ва функцияларни амалга оширишда фаолият юритиб бориш, бу жараёнда эса пайдо бўлган муаммоларни мустақил ҳал этиш, зарурият пайдо бўлганда Компания аппаратининг бошқа бошқармалари билан келишилган ҳолда ҳал этиш.

3.1.5. Бошқарма ваколатига кирадиган масалалар бўйича компания номидан тегишли давлат органларида вакиллик қилиш.

3.2. Молия ва нархлар бошқармасига юклатилган жавобгарлик.

3.2.1. Тасдиқланган амалдаги низомдан келиб чиқиб юклатилган вазифаларни ва Компания чиқарган бошқа меъёрий ҳужжатларида белгиланган вазифаларни вақтида бажарилишини таъминлаш.

3.2.2. Бошқарма ваколатига кирувчи масалалар бўйича «Ўздонмахсулот» АКнинг кўрсатмалари, фармойишлари ва буйруқларини ўз вақтида бажарилишини таъминлаш.

3.2.3. Тизим корхоналари томонидан ёзма ёки оғзаки мурожаатларини ва кундалик ҳаётда вужудга келадиган муаммоларни тезкор ҳал этиш.

3.3. Ўзаро муносабатлар.

3.3.1. Бошқарма Компания аппарати таркибидаги бошқа тизимлар билан ҳамкорликда ишлайди, ушбу Низомдан келиб чиқиб зиммасига юклатилган вазифаларни бажаради ва ишлаб чиқарилаётган ҳужжатларнинг сифатли бўлишини таъминлайди.

3.3.2. Бошқармада ҳар бир хизматчи ўзига юклатилган аниқ вазифага эга бўлиб, бу вазифанинг ўз вақтида ва виждонан тўғри бажариб борилишига биринчи навбатда ўзи жавобгар бўлади, бошқарма бошлиғи вазифаларни тақсимлаб бошқарманинг иш фаолиятини ташкил этади ва умумий таҳлил қилиб боради.

VI. Бошқармани бошқариш.

4.1. Молия ва нархлар бошқармасини бошқарма бошлиғи бошқаради. Бошқарма бошлиғи «Ўздонмахсулот» АК Бошқарув раисининг буйруғига асосан тайинланади ва вазифасидан озод этилади.

4.2. Молия ва нархлар бошқармаси бошлиғи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.2.1. Компания таркибига кирувчи корхоналар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, «Ўздонмахсулот» АК қарорлари, буйруқларига зид равишда чиқарилган қарорлари ва буйруқларини ўзгартириш ва ҳаттоки бекор этиш юзасидан таклифларини киритиш.

4.2.2. Бошқарма ходимларига иш вазифаларини тақсимлаш ва маъсулиятларини белгилаб бериш, шу вазифаларнинг бажарилишини қаттиқ талаб қилиш, агар бошқарма ходими берилган вазифани вақтида, тўлиқ ва виждонан ижро этмаса ушбу ходимни вазифасидан озод этишгача бўлган интизомий жавобгарликка тортилишини раҳбариятдан талаб қилиш.

4.2.3. Тизимдаги корхоналарда вужудга келган молиявий муаммоларни бартараф этиш бўйича Компания бошқарувига таклифлар киритиш.

4.3. Бошқарма бошлиғи:

4.3.1. Ўз ваколатидан келиб чиққан ҳолда бошқарманинг фаолиятини бошқаради.

4.3.2. Тизимдаги корхоналарнинг молиявий ҳолатларини яхшилаш юзасидан берилган «Ўздонмахсулот» АКнинг топшириқларини белгиланган вақтда сифатли бажарилишини таъминлайди. Ижро апаратининг бошқа бўлинмаларига бошқармага тааллуқли бўлган материаллар йиғишда кўмаклашади.

4.3.3. Белгиланган тартибда Компаниянинг бошқарув раиси ва ўринбосарлари ўтказадиган мажлисларида иштирок этади ҳамда Республиканинг бошқа тегишли вазирлик идораларида ўтказиладиган йиғилишларда Раҳбариятнинг розилиги билан ўз ваколати доирасида катнашади.

4.3.4. Бошқармага янги ходимларни белгиланган тартибда тавсия этади, иш вазифаси даврида ўзини кўрсатган ходимларни рағбатлантириш учун бошқарув раисига таклифлар киритади.

4.3.5. Бошқарманинг иш фаолиятини янада яхшилаш учун зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқади ва тадбиқ этади.

4.3.6. «Ўздонмахсулот» АК томонидан белгиланган қоида ва тартиблардан келиб чиққан ҳолда бошқармада иш юритишни ташкиллаштиради.

4.3.7. Мазкур Низомда кўзда тутилмаган барча ҳолатларда бошқарма бошлиғи Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосан фаолият юритади.

4.3.8. Бошқарма бошлиғи иш фаолияти мобайнида меҳнат таътили, хизмат сафарида ёки касал бўлганда, компания раҳбарияти томонидан белгиланган бошқарма ходими вақтинчалик бошқарма бошлиғи вазифасини бажаради.